

4.5. Туланидиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни тулик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда куриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ҲАМОНЛАШТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг узаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома буйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар узаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда узаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ



7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Газначилик тизимидан рўйхатдан утган кундан кучга кириб, 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.


VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

<u>"BIZNES PRO TECH" M.CH.J</u>	<u>Андижон вилояти Онкология диспансери</u>
Манзил: Андижон в. Андижон ш. Ўзбекистон куча 11-уй Тел/Факс: +998 90 771 01 29 Х/р: 2020 8000 5055 6217 1001 Банк номи: АТ "АЛОКА БАНК" Тошкент в. Бош офиси МФО: 00401 ИНН: 309 815 781	Манзил: Андижон ш Ю.Атабеков №5 ИНН 200236959 тел 91494-77-22 х/р: 100021860034017073201054003 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги ИНН 201122919 МФО 00014 Марказий банк Тош ш ХККМ х/р: 23402000300100001010
Раҳбар:  С. Сиргинова	Раҳбар:  Г.Ж.Ҳақимова





Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи РИО ва РИАТМ АФ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Г.Ж.Хакимова бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи “BIZNES PRO TECH” М.СН.Ж ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари С.Ортикова иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конуларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «*Буюртмачи*»нинг топшириғига ва «16» Ноябрь 2022 йилдаги №22110012190068 сонли Лотга асосан РИО ва РИАТМ Андижон филиалига компьютер жихозлари ва асосий воситалар сотиб олиш учун.

№	Махсулот номи	Сони	Нархи	Умумий қиймати
1	Кондиционер бытовой	5	3 980 000	19 900 000
2	Информационный терминал	1	21 900 000	21 900 000
3	Турникет	1	30 900 000	30 900 000
ЖАМИ:				72 700 000

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 72 700 000 (Етмиш икки миллион етти юз минг) сўмини ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, 5 банк иш кунида «*Буюртмачи*» томонидан бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30% ини, яъни 21 810 000 (йигирма бир миллион саккиз юз ўн минг) сўмини олдиндан аванс тарикасида «*Пудратчи*»нинг ҳисоб рақамига утказиб беради.

2.4. Қолган 70 % и, яъни 50 890 000 (эллик миллион саккиз юз туксон минг) сўмини «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 5 банк иш кунида утказиб беради.

2.5. «*Буюртмачи*» охириги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 90 банк иш кунидан кечикмаган муддатда утказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30 кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «*Буюртмачи*» га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «*Пудратчи*»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «*Буюртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «*Буюртмачи*»нинг ҳуқуқлари

«*Пудратчи*»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўрираниши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«*Пудратчи*»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«*Пудратчи*» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «*Пудратчи*» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «*Буюртмачи*»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Туланидиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуксон ва камчиликлар «*Пудратчи*» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «*Буюртмачи*» тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун «*Буюртмачи*» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Туланидиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.